

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**НАРЗИКУЛОВА ДИЛНОЗА ХАШИМЖОНОВА**

**ОИЛАДА ИЖТИМОЙИЙ НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари доктори доктори (DSc) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук по  
педагогическим наукам**

**The contents of the dissertation abstract for a Doctor of Science  
Degree in Pedagogy**

**Нарзикулова Дилноза Хашимжоновна**

Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик

механизмларини такомиллаштириш..... 3

**Нарзикулова Дилноза Хашимжоновна**

Совершенствования педагогических механизмов разрешения социальных  
конфликтов в семье..... 39

**Narzikulova Dilnoza Xashimjonovna**

Improving pedagogical mechanisms for resolving social conflicts in the family .. 71

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 75

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 РАҚАМЛИ  
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ**

**НАРЗИКУЛОВА ДИЛНОЗА ХАШИМЖОНОВНА**

**ОИЛАДА ИЖТИМОЙИЙ НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ  
ПЕДАГОГИК МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/Ped138 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Навоий давлат педагогика институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (<http://samdu.uz/ixtisoslashgankengash>) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: **Ибрагимов Холбой Ибраимович**  
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Нарбаева Танзила Камаловна**  
социология фанлари доктори

**Исмаилова Зухра Карабаева**  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Эгамбердиева Нодира Мелибаевна**  
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат университети**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2022 йил "4" февраль соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-12-29, факс: (0366) 239-13-87, e-mail: sam\_ped\_kengash@umail.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (13 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони 15-уй. Тел.: (0366) 239-11-51).

Диссертация автореферати 2022 йил "26" январь кун тарқатилди.  
(2022 йил "26" январь даги 5 рақамли реестр баённомаси).



**M.M.Махмудова**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси ўринбосари,  
педагогика фанлари доктори, профессор

**Ш.Р.Ураков**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш илмий котиби,  
фалсафа доктори (PhD) пед. ф. б.

**Н.Шодиев**  
Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, педагогика фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фан доктори DSc диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон педагогикасида инсон ва унинг жамият билан бўладиган турли муносабатлари, турли моддий, маънавий, руҳий, психологик, ижтимоий, экологик, мафкуравий зиддиятларнинг таъсири масалаларини оила билан боғлиқда тадқиқ этиш доимий эътиборни тортиб келмоқда. Замонавий полимаданиятли жамиятни тезкор ривожланиши, илмий-техник, молиявий таъсирларнинг ҳаддан зиёд ортиб бориши шароитида техноген тараққиётнинг оилавий муносабатларга таъсирини ўрганиш, кишиларнинг кундалик турмушида содир бўлувчи ижтимоий низоларни дипломатик ҳал қилишнинг ҳуқуқий ва амалий муносабатларига қаратилган ҳаракатлар профилактикасини ишлаб чиқиш, мазкур жараёнларда оиладаги ижтимоий низолар, уларни бартараф этиш, оилада соғлом муҳитни яратиш, гендер тенгликни таъминлаш бўйича янги концепцияларни асослаб бериш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё педагогикасида оилавий низоларни бартараф этишга ўргатиш, конфликтология соҳасини ривожлантириш бўйича изланишлар олиб борилмоқда. Жумладан, ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оилавий ажралишлар, турли низоли вазиятлар, оиладаги носоғлом муҳит ва унинг фарзанд руҳий ҳолатига салбий таъсири, маънавий тушкунлик, эҳтиёжмандлик, жиноятга қўл уриш ҳолатлари қабиладарнинг сабабларини аниқлаш, оиладаги соғлом муҳитнинг ижтимоий низолар профилактикаси билан алоқадорлигини текшириш, оилаларда узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишнинг инновацион технологияларини такомиллаштириш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқишга алоҳида диққат қаратилмоқда.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган жадал ислохотлар шароитида жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оилани мустаҳкамлаш, унинг аъзолари манфаатларини қаноатлантиришга имконият берадиган муносабатларни ўрнатиш, уларнинг ҳар бири учун муносиб ҳаёт ва эркин ривожланишни таъминлайдиган шароитлар яратиш йўналишидаги тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. «Оила кичик ватан, оила тинч бўлса, бахтли бўлса, ватан тинч бўлади»<sup>1</sup>. Шундан келиб чиқиб, оилани қўллаб-қувватлаш, уни бунёд этишда кўп асрлик миллий анъаналар, қадриятларга таяниш, оилавий муносабатлар ва тарбия масалаларига янгича ёндашиш, барқарор оила асосларини яратиш, маънавияти юксак авлодни тарбиялаш усулларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотларни янада чуқурлаштириш зарурати мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелдаги 608-І-сон «Оила кодекси», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19

<sup>1</sup> <https://www.xabar.uz/siyosat/prezident-oila-kichik-vatan>

февралдаги ПФ-5938-сон «Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 2 февралдаги ПФ-5325-сон «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 19 февралдаги 23-сон «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2019 йил 11 сентябрдаги 760-сон «Мамлакат ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этаётган ёш оилаларни уй-жой билан таъминлашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 31 декабрдаги 1059-сон «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 16 апрелдаги 228-сон «Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мавзуга оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>2</sup>.** Жаҳондаги Bamberg университети қошидаги Оила илмий тадқиқотлари институти (Германия), Кембриж университети Оила илмий тадқиқот маркази (Буюк Британия), Лидс университети (Буюк Британия), London университети қошидаги Оила ва болаларни ижтимоий масалаларни ўрганиш институти (Буюк Британия), Оилавий масалаларини ўрганиш институти Европа тармоғлари (Reseau Europeen des Institutes de la Famille (REDIF), Саламанка университети оила тадқиқотлари мактаби (Испания), Левен католик университети қошидаги Оила ва аҳолини ўрганиш институти (Белгия), Милан муқаддас юраги католик университети қошидаги Оилани ўрганиш

---

<sup>2</sup><https://www.esfr.org/research-networks-and-other-links>.

<https://edu-vienna.com/university-avstrii/vienna/venskiy-universitet>. <https://cyberleninka.ru/article/n/evolyutsiya-semeynoy-politiki-v-evrope-menyayuschiesya-problemy-prioritety-i-praktiki>.

[https://www.unipage.net/ru/university\\_of\\_cambridge](https://www.unipage.net/ru/university_of_cambridge).

[https://iuk.kg/files/social/umk-bakalavr/2020-2021/UMK\\_Sem\\_i\\_gender\\_politika\\_2020-2021.pdf](https://iuk.kg/files/social/umk-bakalavr/2020-2021/UMK_Sem_i_gender_politika_2020-2021.pdf).

<https://smapse.ru/londonskiy-universitet-birkbek>.

<https://www.ucl.ac.uk/isf/international-3>.

<https://espanGLISH.info/universities/spain/salamanca/universidad-de-salamanca>.

[https://www.unipage.net/ru/ku\\_leuven](https://www.unipage.net/ru/ku_leuven).

маркази (Италия), Самияс университети қошидаги Никоҳ ва оила институти (Испания), Лион католик университети қошидаги Оила тадқиқотлари институти (Франция), Россия Фанлар Академияси Социология институти (Россия)да оила масалалари ва оилавий низоларни бартараф этишга оид илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Жаҳон педагогикасида оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш бўйича жаҳоннинг етакчи халқаро ташкилотлари, жумладан, UNESCO; DGP Research&Consulting; The European Union's Erasmus+ programme, Европа тармоғлари (Reseau Europeen des Institutes de la Famille (REDIF)да, шунингдек, илмий ва таълим муассасаларида куйидаги илмий натижаларга эришилган: позитив-функционал конфликт, конфликт ичида ўзаро муносабатларнинг умумий назарияси, «ижтимоий розилик» ва инсоний муносабатлар гуруҳлараро конфликтларни ўрганишда вазиятли муносабат борасидаги концепциялар ишлаб чиқилган (Stanford University, АҚШ); жамиятнинг конфликтли модели борасида тадқиқот олиб борилган (Quality Assurance Agency, London Metropolitan University, Буюк Британия); ижтимоий конфликтнинг барча учун умумий жиҳатлари ёритилган (University of Strasbourg, Франция); конфликтда одамларнинг трансакт анализ асосидаги ўзини тутиши назарияси концепцияси яратилган (The Singapore Management University, Сингапур); конфликтда психодинамик муносабат кўрсатиш масалалари ўрганилган (Korea Advanced Institute of Science & Technology, Жанубий Корея); конфликтда инсонлараро муносабатларнинг фундаментал ориентацияси текширилган (Seoul national University, Шанхай таълимни баҳолаш институти, Хитой); агрессиянинг фрустрацион детерминацияси концепцияси ишлаб чиқилган (University of Peloponnese, Греция); конфликтнинг конкрет воқеликка жавоб шакли эканлиги юзасидан изланишлар олиб борилган (Москва давлат университети ўқув-илмий маркази, Россия); конфликтда структурал баланс мавжудлиги борасидаги концепциялар яратилган (Европа тармоғлари (Reseau Europeen des Institutes de la Famille (REDIF).

Хориж педагогикасида оилавий ижтимоий низоларни бартараф этишда жараён субъектларининг ҳуқуқий, психологик-педагогик саводхонлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш бўйича эса куйидаги асосий йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: оиладаги соғлом муҳитнинг ижтимоий низолар профилактикаси билан алоқадорлигини аниқлаш; оилавий низолар ечимига мажмуавий ёндашув; толерантлик, тинглаш маданияти, эмпатия, сўз ва амал бирлиги мезонларини томонларнинг ихтиёрий келишувига кўра зиддиятнинг ечимга келиши ва тўхтатилишини кўзда тутувчи вазиятли таҳлили бўйича фаолият стратегиясини продуктив тарзда қўллаш билан идентифицилигини таъминлаш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ўзбек халқи миллий кадрятлари тизимида муқаддас Қуръони Карим ва ҳадисларда, Имом

Бухорий, Ал-Ҳаким ат-Термизий сингари уламою фузалоларимизнинг панднома ва ўғитларида, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Форобий, Имом Ғаззолий, Махмуд аз-Замахшарий, Алишер Навоий каби мумтоз донишманд олимлару шоирларимиз қолдирган бой маънавий-маърифий мерос таркибида, халқ педагогикаси ва адабий анъналарида оилавий муносабатларнинг барқарорлиги зиддиятлардан ўзини муҳофаза қилиш тамойиллари, усул ва йўллари борасидаги фикр ва қарашлар шакллантирилган.

Оилавий муносабатларни барқарорлаштириш бўйича Г.Акрамова, О.Жамолиддинова, М.Иномова, З.Исломов, В.Каримова, Н.Муродова, М.Махмудова, О.Мусурмонова, А.Мухсиева, Н.Нагметова, Т.Нарбаева, М.Нурматова, К.Хасанова, Ф.Хидирова, Б.Ходжаев, М.Қуронон кабиларнинг илмий тадқиқотлари мустақил оилавий ҳаётга тайёрлаш масалалари ёритиб берилган. О.Б.Атамирзаев, З.Х.Арифханова, М.Х.Ганиева, И.М.Жабборов, О.Бўриев, Х.Каримов, Ў.Қаюмов, Н.М.Латипова, А.Ф.Моногарова, Қ.Насриддинов, Ф.М.Отахўжаев, А.Палваниязов, З.Расулова, Р.Самаров, Г.Туйчиева, Ш.М.Содиқова, У.Сарибоева, Р.А.Убайдуллаева, Р.А.Умурзакова, И.Шоймардонов, М.Холматоваларнинг<sup>3</sup> илмий тадқиқотларида ўзбек оиласи тарихи, оилавий ва жамоавий турмушнинг ўзига хосликлари, урф-одат ва маросимлар, анъанавий оила шакллари борасида кенг қамровли маълумотлар жамланган. Никоҳ ва оиланинг ижтимоий-психологик хусусиятлари Ф.Рўзиқулов, Ғ.Б.Шоумаров, Н.Х.Лутфуллаева, М.М.Умаровлар<sup>4</sup>, шунингдек оила ва никоҳ муносабатларининг ҳуқуқий жиҳатлари Ф.М.Отахўжаев<sup>5</sup> томонидан тадқиқ этилган.

Е.И.Степановнинг<sup>6</sup> С.В.Банькина ҳамкорлигида нашр қилинган «Замонавий конфликтлар. Ўрганиш ва бошқариш»<sup>7</sup>, А.Н.Самарин, Е.И.Степанов, В.Н. Шаленко кабиларнинг «Замонамизнинг маънавий муаммолари. Глобализация ва регионализация шароитида ижтимоий конфликтлар»<sup>8</sup>, В.Н.Шаленконинг «Ижтимоий конфликтлар»<sup>9</sup>, А.А.Самариннинг «Замонавий жамиятлардаги маънавий конфликтлар: ҳолати ва уларни ечимга олиб келиш муаммолари»<sup>10</sup>, В.Шейновнинг «Бизнинг ҳаётимиздаги конфликтлар. Юзага келиши, ривож ва ечимга олиб

<sup>3</sup> <http://library.ziyounet.uz> > book > download

<sup>4</sup> Умарова М.М. Ўсмирларда оилавий кадриятлар тўғрисидаги тасаввурлар шаклланишининг ижтимоий-психологик шарт-шароитлари. Психол.фан.номз. ... дис. автореф. – Тошкент, 2004. – 27 б.

<sup>5</sup> Отахўжаев Ф.М. Никоҳ ва унинг ҳуқуқий тартибга солиниши. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 172 б.

<sup>6</sup> Степанов Е.И. Современная конфликтология: Общие подходы к моделированию, мониторингу и менеджменту социальных конфликтов: Учебное пособие. – М.: Издательство ЛКИ, 2008. – 176 с.

<sup>7</sup> Степанов Е.И., Банькина С.В. Конфликты в современной школе. Изучение и управление./ Серия "Социальные конфликты: экспертиза, прогнозирование, технологии разрешения. - М.: КомКнига, 2006.

<sup>8</sup> Самарин А.Н., Степанов Е.И., Шаленко В.Н. Духовные проблемы нашего времени/ Социальные конфликты в контексте глобализации и регионализации. – М.: URSS, 2005.

<sup>9</sup> Шаленко В.Н. Социальные конфликты/ Под ред. Добренкова В.И., Кравченко А.И. / Фундаментальная социология: в 15 томах, т. VI: Социальные деформации. Гл. 4, раздел 1. – М.: Инфра-М, 2005.

<sup>10</sup> Самарин А.Н. Конфликты в духовной сфере современного общества: состояние и проблемы урегулирования// Конфликтология. Теория и практика. 2004, №4.



келиниши. Муаммонинг икки аспекти»<sup>11</sup>, А.Я.Ацуповнинг «Конфликтология асослари»<sup>12</sup>, В.Н.Кудревцевнинг «Юридическая конфликтология»<sup>13</sup> китоблари ҳамда оилавий низоларнинг бартараф этиш бўйича Л.С. Алесеева, Ю.Е. Алешина, Т.В. Андреева, Л.П. Артюхов, Л.Н. Бредник, А.Власова, Т.В. Андреева, О.И. Волжина, Л.С.Калагина, В.Кононова, Х.Рич, С.Л.Прошанов, Н.М. Римашевская<sup>14</sup>лар томонидан татбиқ этилган.

Хорижлик олимлардан Mzia Shelia, Dana Lynn Treistman, Robert W. Lent, Robert W. Lent, Norman Epstein, Mary Ann Hoffman, Margaretha Lucas, Linda Tipton, Dana Lynn Treistman<sup>15</sup> кабиларнинг тадқиқотларида оилаларда ижтимоий низоларнинг келиб чиқиши сабабли ўқувчиларнинг таълим олишдан орқага қолиб кетиши, ота-оналарнинг келишмовчиликлари болалар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиши, ёш оилаларнинг бузилишига таъсир этувчи омиллар уларни олдини олиш ва бартараф этиш йўллари кўрсатиб берилган.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор ўзбек ҳамда жаҳон педагог олимларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фаркли равишда, оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, оилавий низоларни бартараф этиш, оилада соғлом муҳитни яратиш, ёшларни оилага тайёрлаш, оилаларда узлуксиз маънавий тарбияни ташкил этишнинг инновацион технологияларини ишлаб чиқишга эътибор қаратилган.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Навоий давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ КА-2-003 «Ўзбекистонда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришда давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий механизмини такомиллаштириш» (2016-2017 йй.) мавзуси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик шарт-шароитларини такомиллаштиришга доир илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

оилада ижтимоий низоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва омилларини аниқлаштириш;

<sup>11</sup>Шейнов В. Конфликты в нашей жизни. Возникновение, развитие и разрешение конфликтов. Два аспекта проблемы. –М.: 2001;

<sup>12</sup>Анцупов А.Я. Основы конфликтологии. –М., 1998;

<sup>13</sup>Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Центр конфликтологических исследований. –М., 1995

<sup>14</sup>Кудрявцев В.Н. Юридическая конфликтология. Центр конфликтологических исследований. –М., 1995

<sup>15</sup> <http://ecsocman.hse.ru/text/16166126/>

<sup>15</sup> The effect of work-family conflicts on withdrawal behaviours in the healthcare sector Prisma Social, núm. 18, junio-noviembre, 2017, pp. 434-453

оиладаги соғлом муҳитнинг ижтимоий низолар профилактикасидаги ўрни ва аҳамиятини очиб бериш;

оилавий ижтимоий низоларни бартараф этишда жараён субъектларининг ҳуқуқий, психологик-педагогик саводхонлигини ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

фамилистик ёндашувга устуворлик бериш асосида оилада юзага келадиган ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик технологиясини такомиллаштириш;

оилавий ижтимоий низоларни бартараф этишнинг профилактик ва коррекцион механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Навоий вилоятининг Кармана туманидаги Зиёкор, Самарқанд вилоятининг Самарқанд туманидаги Янги-обод, Бухоро вилоятининг Бухоро шаҳридаги Хавзи-Нав, Жиззах вилоятининг Жиззах шаҳридаги Наврўз, Хоразм вилоятининг Шовот туманидаги Шовот маҳалласида истиқомат қилувчи 603 та оилалар танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик механизмлари, мазмуни, шакл ва методлари ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертацияда ўқув-меъёрий ҳужжатлар, дарслик ва ўқув-методик адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш; суҳбат, кузатиш, анкета, тест, лойиҳалаш, моделлаштириш, эксперт баҳолаш, прогнозтика ва ташхислаш, педагогик тажриба-синов, психодиагностика, тадқиқот натижаларини математик-статистик қайта ишлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

оилада ижтимоий низоларнинг келиб чиқиш сабаблари маънавий-психологик муҳитнинг бузилиши, манфаатлар тўқнашуви ва зиддиятнинг кескин кучайиши, ўзаро бир-бирини тушунмаслик, бегоналик ҳамда мавжуд муаммони ноадекват, яъни номутаносиб англаш ва баҳолашнинг кучайиб бориши, конфронтациянинг ўсиб бориши каби омиллар билан интернал ва экстернал кўринишда бевосита боғлиқлигини асослаш орқали аниқлаштирилган;

оиладаги соғлом муҳитнинг ижтимоий низолар профилактикаси билан алоқадорлиги муаммони аниқлаш, муаммо ечимига мажмуавий ёндашув, муаммони ҳал этишнинг бирламчи эканлиги, толерантлик, тинглаш маданияти, эмпатия, сўз ва амал бирлиги мезонларини томонларнинг ихтиёрий келишувига кўра зиддиятнинг ечимга келиши ва тўхтатилишини кўзда тутувчи вазиятли таҳлили бўйича фаолият стратегиясини продуктив тарзда қўллаш билан идентифлигини таъминлаш орқали асосланган;

оилавий ижтимоий низоларни бартараф этишда жараён субъектларининг ҳуқуқий, психологик-педагогик саводхонлигини ривожлантириш моделининг

амалий компоненти оила аъзоларида таянч маънавий компетенцияларни шакллантиришнинг витаген, рефлексив, шахсга йўналтирилган мазмунли жиҳатини миллий идентиклик билан ички адаптивлигини барқарорлаштириш орқали такомиллаштирилган;

фамилистик ёндашувга устуворлик бериш асосида оилада юзага келадиган ижтимоий низоларни баргараф этишнинг педагогик технологияси оилапарварликнинг ички англаниши (интериоризация)ни ташқи намоён бўлиш (экстериоризация) билан интеграциясини таъминлайдиган витаген, рефлексив, шахсга йўналтирилган технологияларни миллий тарбияга компаративистик татбиқини интенсивлаштириш асосида такомиллаштирилган;

синергетик педагогиканинг шахслараро муносабатларга таъсирини ҳисобга олиш, оилавий низолар диагностикаси ва коррекциясига доир модификациялашган методикаларни ишлаб чиқиш, маҳаллабай тизимида оила билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият технологияларини лойиҳалаш бўйича оилавий ижтимоий низоларни баргараф этишнинг профилактик ва коррекцион механизмларини такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари:**

оилада ижтимоий низоларни олдини олишнинг маънавий-ахлоқий асосларига эътибор қаратилган;

объектив (диагностика фаолиятни бажариш самарадорлигига қараб амалга ошириш), субъектив (синалувчининг ўзи ҳақида берган маълумотлари, ўз-ўзини тавсифлаш ва баҳолаш асосида диагностика қилиш) проектив (ташқи жиҳатдан нейтрал, ноаниқ стимул билан ўзаро таъсирни таҳлил қилиш) сингари ёндашувлар асосида оилада ижтимоий низоларни баргараф этишда педагогик-психологик саводхонлигини ривожлантиришнинг профилактик модели такомиллаштирилган;

ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик тренинглари; оилада таянч маънавий компетенцияларни ривожлантириш тамойиллари миллий ва умуммаданий, ижтимоий, коммуникатив, ижтимоий-ахборот, когнитив, махсус компетенциялар, компаративистик кадрятларга доир компетенциялар, шахсий компетенция, коммуникатив маданият, эмоционал интеллект, толерантлик, эмпатия, низоларга барқарор муносабат, низоли вазиятда конструктив стратегиялар сингари усуллар воситасида оиланинг конфликтологик компетентлигини ривожлантириш механизми ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, муаммога фалсафий, методологик, методик, психологик ва педагогик ёндашувларга ҳамда оилада ижтимоий низоларни олдини олишга доир миллий ва хорижий тажрибаларга асосланганлиги; тадқиқот вазифаларига мос келувчи, ўзаро бир-бирини тўлдириб боровчи тадқиқот методларининг

қўлланилганлиги; таҳлил ва тадқиқот тавсифининг миқдор, шунингдек, сифат жиҳатидан таъминланганлиги; тажриба-синов ишларининг репрезентативлиги ҳамда олинган натижаларнинг математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида қайта ишланганлиги билан белгиланади.

### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик механизмларига доир «низо», «конфликт», «зиддият», «ижтимоий низо», «оилада ижтимоий низолар», «оилаларда узлуксиз маънавий тарбия» тушунчалари моҳиятининг аниқлаштирилганлиги; оилаларда ижтимоий низоларни бартараф этишнинг миллий-тарихий асослари, илғор хорижий тажрибалар, маҳалла ва оиланинг ҳамкорликдаги фаолияти мазмуни, педагогик-психологик хусусиятларининг ёритиб берилганлиги; оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик шарт-шароитларининг асосланганлиги билан боғлиқ илмий хулосалардан оила педагогикаси йўналишидаги тадқиқотларда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш моделининг жараёни-мазмунли, ташкилий фаолиятга йўналтирилган натижавий компонентлари такомиллаштирилган, оилада низоларни олдини олиш кўрсаткичлари аниқлаштирилган, компетенциявий ёндашув асосида оилада ижтимоий низоларни олдини олиш технологияси, эр-хотин, қайнона-келин ўртасидаги низоли вазиятларни бартараф этиш кўникмаларини шакллантириш технологияси ишлаб чиқилганлиги ва мазкур илмий хулоса ва қарашлардан «Педагогика», «Педагогик конфликтология», «Ижтимоий оила педагогикаси», «Оила педагогикаси» каби фанлардан ўқув қўлланма ва дарсликлар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

оилада ижтимоий низоларнинг келиб чиқиш сабабларини маънавий-психологик муҳитнинг бузилиши, манфаатлар тўқнашуви ва зиддиятнинг кескин кучайиши, ўзаро бир-бирини тушунмаслик, бегоналик ҳамда мавжуд муаммони ноадекват, яъни номутаносиб англаш ва баҳолашнинг кучайиб бориши, конфронтациянинг ўсиб бориши каби омиллар билан интернал ва экстернал кўринишда бевосита боғлиқлигини асослаш орқали аниқлаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла” дастури доирасида ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларни ташкил этишда фойдаланилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 14 сентябрдаги 02-02/2188-сон маълумотномаси). Натижада, оиладаги ижтимоий низоларнинг педагогик профилактикаси самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

оиладаги соғлом муҳитнинг ижтимоий низолар профилактикаси билан алоқадорлигини муаммони аниқлаш, муаммо ечимига мажмуавий ёндашув, муаммони ҳал этишнинг бирламчи эканлиги, толерантлик, тинглаш маданияти, эмпатия, сўз ва амал бирлиги мезонларини томонларнинг ихтиёрий келишувига кўра зиддиятнинг ечимга келиши ва тўхтатилишини кўзда тутувчи вазиятли таҳлили бўйича фаолият стратегиясини продуктив тарзда қўллаш билан идентивлигини таъминлаш орқали асослашга доир амалий таклиф ва тавсиялардан 5110900 – Педагогика ва Психология бакалавриат йўналиши учун “Педагогик конфликтология” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сон буйруғи, 522-101-рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларда оилавий низоларни самарали бартараф этиш компетентлигини ривожлантиришга хизмат қилган;

оилавий ижтимоий низоларни бартараф этишда жараён субъектларининг ҳукукий, психологик-педагогик саводхонлигини ривожлантириш моделининг амалий компонентини оила аъзоларида таянч маънавий компетенцияларни шакллантиришнинг витаген, рефлексив, шахсга йўналтирилган мазмунли жиҳатини миллий идентиклик билан ички адаптивлигини барқарорлаштириш орқали такомиллаштиришга доир амалий таклиф ва тавсиялардан “Маънавий-маърифий ишлар тизимини тубдан такомиллаштириш чоратadbирлари” дастурининг иккинчи ва тўртинчи устувор йўналишини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг 2021 йил 14 сентябрдаги 02-02/2188-сон маълумотномаси). Натижада, оилаларнинг психологик-педагогик саводхонлигини ошириб боришнинг педагогик тизимини такомиллаштиришга хизмат қилган;

фамилистик ёндашувга устуворлик бериш асосида оилада юзага келадиган ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик технологиясини оилапарварликнинг ички англанишини ташқи намоён бўлиш билан интеграциясини таъминлайдиган витаген, рефлексив, шахсга йўналтирилган технологияларни миллий тарбияга компаратавистик татбиқини интенсивлаштириш асосида такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан 5110900 – Педагогика ва Психология бакалавриат йўналиши учун “Педагогик конфликтология” дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 89-02-1476-сон маълумотномаси). Натижада, талабаларда конфликтологик компетентликни ривожлантириш технологиясини қўллаш самарадорлигини оширишга эришилган;

синергетик педагогиканинг шахслараро муносабатларга таъсирини ҳисобга олиш, оилавий низолар диагностикаси ва коррекциясига доир модификациялашган методикаларни ишлаб чиқиш, маҳаллабай тизимида оила билан олиб бориладиган ижтимоий-педагогик фаолият технологияларини лойиҳалаш бўйича оилавий ижтимоий низоларни бартараф этишнинг профилактик ва коррекцион механизмларини

такомиллаштиришга доир таклиф ва тавсиялардан ЖХБЛ-22 “Оиладаги жинойтлар ва зўравонликлар, оиладаги криноген мухит, келиб чиқиш сабабларини тадқиқ этиш” (2021-2022 йй.) лойиҳасини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 30 декабрдаги 89-02-1476-сон маълумотномаси). Натижада, оилавий низоларни бартараф этишнинг ижтимоий-педагогик механизмларини такомиллаштиришга хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан, 3 та халқаро ва 10 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий-услубий ишлар, шу жумладан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, 11 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, умумий ҳажми 242 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган. Шунингдек, диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган.

Диссертациянинг «**Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг назарий-методологик асослари**» деб номланган биринчи бобида мамлакатимизда оила ва маҳалла фаолиятининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётга фаолигини ошириш, оила муаммоларини илмий ва ижтимоий тадқиқ этиши давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бири эканлиги, оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда оилавий муносабатларни барқарорлаштириш, оилада ижтимоий низолар тушунчасининг амалиётдаги ҳолати, оилада ижтимоий низолар бартараф этилмаса салбий оқибатларга олиб келиши, оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик-психологик хусусиятлари ёритиб берилган.

Мамлакатимизда оила ҳуқуқлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мос равишда муҳофаза этилмоқда. Мустақиллик йилларида ҳукуматимиз томонидан оила-никоҳ муносабатлари, хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳужжатлар ва декларацияларининг ратификация қилиниши бунинг яққол намунасидир. Жумладан, мамлакатимизда оила, оналик ва болаликни халқаро ҳуқуқ нормаларига мос ҳолда муҳофаза қилишдаги дастлабки муҳим қадамлардир, мақсад ҳар бир фуқаронинг, ҳар бир оила аъзосининг ҳуқуқларини ҳимоя этилишини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида йўлга қўйишга эришишдир.

1986 йил БМТ томонидан дунё бўйлаб «Тинчлик йили» деб эълон қилинди. Мана шу сана билан узвий боғлиқ ҳолда Австралияда Конфликтлар ечими бўйича халқаро Марказ махсус ташкил қилинди ва иш бошлади. Марказ ўз олдига турли ижтимоий ва халқаро конфликтларнинг олдини олиш, уларни ечимга келтириш, конфликтлар амалиёти билан шуғулланиш ва томонларга конфликтни ечимга олиб келиш бўйича профессионал хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғуллана бошлади. Мазкур марказ ижтимоий низолар ечими бўйича мутахассислар тайёрлаш фаолиятини ҳам бошлаган бўлиб, тизимли равишда мутахассисларни тайёрлаш, педагог-психолог маълумотига эга бўлганлардан конфликтологларни қайта тайёрлаш ишига асос солди. Шундай қилиб, дунё миқёсида университетлар қошида турли ижтимоий конфликтология марказлари тузила бошланди. Бугунга келиб, юзлаб мана шундай марказлар фаолият олиб бормоқда. Мазкур марказларнинг асосий вазифаси оиладаги, инсонлар ўртасидаги ижтимоий низоларни бартараф этиш. Агар оилада низолар бартараф этилмаса инсон ҳаёти салбий оқибатларга дуч келади. Улар:

оилада ижтимоий низолар бартараф этилмаса жамият ва жамоадаги ижтимоий ва маънавий-психологик муҳитнинг бузилиши ва инқирозга юз тутиши;

оилада ижтимоий низолар бартараф этилмаса, инсонни меҳнат қилиш ва иш олиб бориш жараёни издан чиқиши ва меҳнат унумдорлигининг пасайиши, ҳар кун ҳамма нарсадан зиддият келиб чиққанлиги боис баъзи ишчиларнинг ишдан бўшатилиши;

оилада ижтимоий низолар иштирокчиларнинг манфаатларига бўлган қарама-қаршилик ва зиддиятнинг кескин кучайиши боис томонлар ўртасида бир-бирини тушунмаслик, бегоналик ҳамда мавжуд муаммони ноадекват, яъни номутаносиб англаш ва баҳолашнинг кучайиб бориши;

оилада ижтимоий низолар жараёнида ва ундан сўнг зиддият ичидаги томонлар ўртасида муносабатнинг бузилиши ёки оила аъзоларни бир-бирига эътиборни пасайиб бориши, ёки умуман тўхтаб қолиши;

оилада ижтимоий низоларда қарама-қаршилик кайфиятининг ўсиб бориши, кураш жараёнида томонларнинг тортилиши, оила аъзоларнинг конфликт вазиятда турли фикр ва қарашларининг мавжудлиги, уларни

мурасага олиб келишнинг кундан кун қийин кечиши, манфаатлар ичида умумийликни топишнинг чўзилиб кетиши ва пасайиб бориши, кучларнинг фақат ўз манфаатини кўриши, уни азиз деб билиши натижасида конфронтациянинг кучайиши;

оилада ижтимоий низолар жараёнида оила аъзоларининг ҳиссий-эмоционал, руҳий-психологик, маънавий ва моддий кучларининг хаддан ортиқ даражада сарфланиши, бироқ низони бартараф этишнинг қийин бўлиб бориши;

оилада ижтимоий низоларнинг жиддийлашуви, конфронтациянинг ўсиб бориши ва томонларнинг бири-биридан айрилиши кузатилган.

Бугунги кунда оилада ижтимоий низолар бартараф этиш соҳаси тез ва жадал ривожланиб бораётган ижтимоий соҳалардан бири бўлиб, Ўзбекистонда мазкур соҳада ҳали жуда кўп ишларни амалга оширишни тақозо этади.

2020 йил 12 февралда Ўзбекистонда маҳалла ва оила масалалари вазирлиги ташкил этилиши асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу қарорларнинг қабул қилиниши оилалар тинчлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш улар билан мақсадли ишларни ташкил этиш оилаларда маънавий-ахлоқий муҳитни мустаҳкамлаш ва соғломлаштиришнинг самарали механизмларини яратишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжудлигидан далолат беради.


Диссертациянинг «**Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг асосий йўналишлари**» деб номланган иккинчи бобда ижтимоий низоларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари, ижтимоий низоларнинг функциялари, оилада ижтимоий низоларнинг классификацияси, оилавий низолар турлари, оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг диагностикаси ва коррекциялаш методикалари ҳамда педагогик технологияси баён этилган.

Ижтимоий низо – бу ижтимоий ўзаро таъсир икки ва ундан кўпроқ субъект ва иштирокчиларининг очиқчасига кураши, тўқнашувидир. Бир-бирига тўғри келмайдиган талаблар, қизиқишлар ва қадриятлар уларнинг сабаби бўлиб ҳисобланади. Ижтимоий низолар ҳар қандай ижтимоий функциянинг объектив муқарраридир. Ижтимоий низо – ижтимоий ривожланишнинг зарур шартидир.

Ижтимоий низо функциялари – ижтимоий муҳит, гуруҳ, жамоа ёки бирлик ичида қабул қилинган низонинг вазифалари ва низога юкланган топшириқлар мажмуидан иборат бўлади. Шу нуқтаи назардан ижтимоий **низо функциялари** – зиддиятни келтириб чиқарган тизимнинг маълум бир элементлари, яъни шахс, гуруҳлар, жамоалар ва улар бирлигига таъсири тушунилади. Бугунги кунда ижтимоий низоларнинг функциялари ажратилади (1-расм).



Ижтимоий низолар ечимига оид конструктивлик конфликт ичидаги томонлар фаолиятини ижобийлик сари етаклайди, унинг самарадорлигини таъминлайди, ечим бўйича инновацион фикр, қараш, ечимлар ва натижаларни қидиришга ундайди, мана шундай фаолиятни стимуллаб беради, томонлар манфаатдорлигини оширади, яъни мана шундай конфликт инсонлар, жамиятлар, ижтимоий институтлар ҳаётида позитив роль ўйнайди. Бундай конфликтларда томонлар, яъни ўзаро оппонетлар маълум ахлоқий, эмоционал-ҳиссий, психологик нормалар ташқарисига чиқмайди; конфликт ечимининг барча томонларини қониктирувчи ечимларини қидиришга саъй-ҳаракат қилади.



**1-расм. Ижтимоий конфликт функциялари**

**Оилавий низо** кўп ўлчамли воқелик сифатида ўз таркибий тузилмасига эга. Низо аввало тизим ва жараёндир. Шунинг учун низонинг таркибий тузилмаси унинг турғун алоқаларининг йиғиндиси сифатида тушуниладики, бу алоқалар низонинг ижтимоий воқелик сифатидаги яхлитлигини таъминлайди. Энди оилавий низонинг ўзига хос хусусиятларини, унинг конфликтологияда энг кўп ўрганиладиган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, миллий ва бошқа низоларга ўхшаш ҳамда улардан фарқ қилувчи белгиларини аниқлаш зарур. Бошқа кўплаб ижтимоий низолар каби оилавий низо ҳам давлат бошқаруви тизимида боғлиқдир.

**Оилада ижтимоий низолар** – оила аъзолари ўртасидаги келишмовчиликларни, муайян вазиятда мос келмайдиган қарама-қарши сабаблар ва мақсадлар асосида юзага келадиган тушунчадир.

Оилада ижтимоий низоларнинг юзага келиш эҳтимоли бўлган низо-жанжалларнинг сабабларини аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларини ижобий ҳал қилиш учун биринчи навбатда уларнинг кимлар ўртасида юз бераётганлигини фарқлаб олиш мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқот жараёнида оилада ижтимоий низоларнинг иштирок этишига кўра, уларни қуйидагича асосий турларга ажратиш мумкин:

- ◆ эр-хотин ўртасидаги низолар;
- ◆ қайнона-келин ўртасидаги низолар;
- ◆ қайнона-куёв ўртасидаги низолар;
- ◆ қайнона-куёв ўртасидаги низолар;
- ◆ овсинлар ўртасидаги низолар;
- ◆ ота-оналар ва фарзандлар ўртасидаги низолар;
- ◆ фарзандлар (ака, ука, опа, сингил) ўртасидаги низолар;
- ◆ қайнсингил, қайнопа, келин ўртасидаги низолар;
- ◆ куда-анда ўртасидаги низолар;
- ◆ қариндошлар ўртасидаги низолар (амма, хола, тоға, амаки).

Албатта, бу рўйхатни янада давом эттиравериш мумкин, лекин ҳозирча шу юқорида келтирилганлар билангина кифояланиб, оилавий ҳаётда рўй бериш эҳтимоли нисбатан юқори бўлган низоларнинг энг муҳими бўлмиш эр-хотин ўртасидаги низо, қайнона-келин ўртасидаги низоларнинг айрим хусусиятларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Оилавий низонинг ўзига хос белгиси низо соҳасининг кенглигидадир, чунки бу низо ҳудуд ва вақт доираларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддир. Ҳар қандай ижтимоий воқелик каби, оилавий низони вертикал ва горизонтал сатҳлар бўйича таснифлаш мумкин. Ушбу ёндашувни оилавий низога нисбатан унинг моҳияти мазмунини ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишда ифодалаш мумкин деб ҳисоблагани учун қўллайди. Низоларнинг вертикал йўналиш бўйича таснифланишига оилавий иерархия асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур ҳолатда оилавий низо иерархияси қуйидагича шаклланади:

1. Эр-хотиннинг ўзаро бир-бирини тушуниши;

2. Алоҳида уй жойнинг мавжудлиги;
3. Моддий жиҳатдан яхши таъминланганлик;
4. Фарзандлар;
5. Никоҳ мустаҳкамлигига ишонч;
6. Оилада бўш вақтларни қизиқарли ўтказиш;
7. Ўзига ёққан иш билан таъминланганлик;
8. Маълумотнинг мослиги;
9. Иш жойининг қулайлиги;
10. Яхши дўстларнинг мавжудлиги;
11. Эр-хотиннинг эркинлиги.

Горизонтал сатҳ бўйича таснифлаш учун асос бўлиб низога кирувчи томонларнинг мақсад ва вазифаларига хизмат қилади. Горизонтал бўйича низоларнинг бешта гуруҳини таснифлаш мумкин:


- ◆ оила аъзолари ҳаётининг ижтимоий ва маънавий томонлари ўртасидаги низо;

- ◆ хўжалик-маиший фаолият асосидаги низо;
- ◆ оиладаги тарбиявий функциялар соҳасидаги низо;
- ◆ оилада лидерлик ўртасидаги низо;
- ◆ манфаатлар ва эҳтиёжлар низоси.

Оиладаги ҳаёт ундаги мулоқотсиз бўмайди: кундалик муносабатлар жараёнида эр ва хотин ўртасидаги, ота-она ва болалар ўртасидаги, оиладаги мулоқот оила аъзоларининг бир-бирига муносабатлари ва уларнинг биргаликдаги ҳаракати, улар ўртасида ахборот алмашуви, уларнинг маънавий алоқасидан иборатдир. Шу тарзда вертикал таснифлаш оилада унинг аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг барча соҳаларини акс эттиради. Горизонтал таснифлаш эса вертикал йўналишда кечаётган низоларнинг ички мазмунини кўриб чиқиш имконини беради. Бошқа кўплаб ижтимоий низолардаги каби оилавий низоларни кечишининг одатий тизимига тўғри келади: **иштирокчилар- мотивация- кечиш босқичлари- яқун.**

Тадқиқотда оилада ижтимоий низолар классификацияси ишлаб чиқилган (2-расм). Классификация ўзида оилавий низоларни келиб чиқиш сабабларига кўра: режалаштирилган, кутилмаган, фавқулодда, оилавий муносабатлар бўйича: конфликттоген, қаноатли, конструктив, манфаатлар мазмунига кўра: ижтимоий, моддий-молиявий, мафкуравий, характерида кўра: тизимли конфликтлар, процессуал конфликтлар, моҳиятли конфликтлар, характеристикасига кўра: шахсий ички конфликт, оилалараро конфликт, шахс ва гуруҳлараро низоларни қамраб олади.

## Оилада ижтимоий низолар классификацияси



**2-расм. Оилада ижтимоий низолар классификацияси**

Тадқиқотда компетенциявий ёндашув асосида оилада ижтимоий муносабатларни барқарорлигини таъминлашнинг асосий мезонларини акс эттирдик. Улар:

- ◆ миллий ва умуминсоний қадриятлар;
- ◆ ахлоқий маданиятнинг уйғунлиги;
- ◆ шахснинг энг юксак фазилатлари (камтарлик, мардлик, меҳрибонлик, интизомлилик, тежамкорлик, истеъдодлилик, мулойимлик, сахийлик, саховатлилик, тўғрилиқ, ҳаёлилик, ҳимматлилик, вафодорлик, латофатлилик ахлоқий маданиятнинг муҳим элементларидир);
- ◆ муомала одобини сақлаш;
- ◆ муқаддас урф-одатларни эъзозлаш;
- ◆ ота-оналарнинг шахсий хулқи ва намунаси фарзандлар тарбиясининг тўлақонли шаклланишига;
- ◆ оилавий муносабатлар қариндошлиқ алоқаларини мустаҳкамлаш

Тадқиқотда оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик технологияси уч йўналишга татбиқ этилган: улар оилада низонинг мотивацияси, яъни низони олдини олиш ким томонидан биринчи амалга оширилиши, низони бартараф этиш жараёни, мазкур йўналишда воситалар орқали низони бартараф этиш методлари, усуллари, фаолияти, шахсий сўровномалар, шахснинг кайфият ва психик ҳолатини ўрганиш, анкета сўровномалари, ижтимоий педагогик тренинглари мажмуининг қўлланилиши ҳамда якуний босқич натижа бўлиб, оилаларда соғлом муҳитни ижтимоий низоларсиз ташкил этиши, соғлом турмуш тарзига таъсир этувчи ташқи ҳамда ички муҳитни ижобий ҳал этиш кўникмаларни ривожланишини, оилаларда фамилистик ёндашувга устуворлик бериш кўникмалари шаклланишини таъминлайди.

Низоларни бартараф этишнинг педагогик-психологик диагностика бўйича педагог-психолог ҳар бир воқеа, ҳодиса, жараён, ҳолатлар асл сабабини ўрганувчи ва шу асосда таклиф ҳамда мулоҳазаларни тавсия этувчидир. Ҳар бир оила аъзоларнинг шахсий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишини, оиладаги тарбиянинг психологик нуқсонларни, уларнинг қобилият, қизиқиш ва лаёқатларини ҳамда касб-хунарга мойилликларини диагностика ёрдамида аниқлаш лозим. Оилалардаги мавжуд камчилик ва бузилишларни олдини олиш бўйича маслаҳат ва тавсиялар ишлаб чиқиш, оилада низоларни диагностик методикаларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга. Масалан:

1-жадвал

### ДИАГНОСТИК МЕТОДИКА

Сана, вақт	Ф.И.О	ёши	Оилада низо ким томонидан бошланди	Диагностика бочқичи	Изоҳ ва тавсиялар



**3-расм. Педагогик диагностик босқичлар**

Оилада ижтимоий низоларни бартараф этиш диагностикаси, низоларни юзага келиши, келиб чиқиши ва мавжуд бўлиши бирор бир оила аъзоларининг фақат бир ўзига хос бўлган ғайри оддий воқеълик бўлмай аслида барча оила аъзоларининг табиий фаолият олиб бориш жараёнига хос бўлган оддий воқеълик саналади. Оилавий ижтимоий низолар серқирра, сертармоқ, мураккаб ва ранг-баранг ижтимоий-педагогик психологик ҳодиса саналади. Шунинг учун оилавий ҳаётнинг барча босқичларига ҳам оилавий низоларнинг ўзига хос хусусият бўлиб, улар турли хил кўринишларга эга бўлиши мумкин. Оиладаги низолар, жанжаллар, келишмовчиликлар оиланинг ҳар қандай босқичида юзага келади ва бир эмас, балки бир қатор сабаблар диагностика билан шаклланади(2-жадвал).

**2-жадвал.**

### **ОИЛАДА ИЖТИМОЙИЙ НИЗОЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА ДИАГНОСТИКАСИ**

<b>РУХИЙ-ПСИХОЛОГИК САБАБЛАР</b>	<b>МОДДИЙ-ИҚТИСОДИЙ САБАБЛАР</b>	<b>ЖИСМОНИЙ-РУҲИЙ САБАБЛАР</b>	<b>ШАХСИЙ-ЭМОЦИОНАЛ САБАБЛАР</b>
оилада эр-хотининг характер хусусиятлари ва руҳий ҳолатларининг ўзаро бир-бирига тўғри келмаслиги; ўзга томон оиланинг маънавий қадриятларини инкор этиши, уларни тан олмаслиги; гуманизм ва инсон қадрига бўлган муносабатлар ва	пул етишмовчилиги; оилада мавжуд бўлган танг иқтисодий ва моддий ҳолат; молиявий воситаларнинг етишмовчилиги; комуннал тўловлар, рўзғорга бозор қилиш учун оила аъзоларининг бир	оилавий ҳаётда кадам қўйган ёш келинлар уй ишларига саражом саришталика тайёр эмасликлари; ёш кизларининг турмушга узатганда уларнинг	оила аъзолари томонидан шахсий айрмакашлик қилиши, шахсий ёнбосишлар, (келинлар, кизлар), ичида унинг «яxши» кўрганларининг борлиги; ҳар қандай воқеа содир бўлганда қайнона ёки ота-она

<p>баҳодаги хилма-хиллик; танг ҳолатларда фақат ўзининг манфаатлари муҳофазасини ўйлаш, ўзгалар фикри ва қарашларига қарши, улар тўғри бўлса ҳам, курашиши ҳамда инкор этишнинг кучли эканлиги; одамовилик, жамият талаблари ва жамоа хусусиятларини батамом инкор этиш, ўз билганидан қолмаслик; жамият ва жамоада ўз ўрни ва мавқеини топа билмаслик; томонларда сустривожланган шахс ижтимоийлашувининг мавжудлиги; томонларда мулоқот қилиш ва музокара олиб бориш малака ва кўникмаларининг ривожлантирилмаганлиги; и; томонларда шахс хусусиятлари ва типлари борасидаги билим, малака ва кўникмаларнинг шакллантирилмаганлиги; томонларда тинч яшаш кўникмаларининг мавжуд эмаслиги, билакс хужум қилиш, жанжалкашлик, курашиш, баҳс олиб бориш кўникмаларининг кучли эканлиги.</p>	<p>бирига юклаши; оилавий имкониятларининг номувофиқлиги; оила қурушда миллий урф-одатларнинг устунлиги унга моддий шароит етишмаслиги; оилада талаб даражасидаги моддий таъминот ва молиявий шаффофликнинг мавжуд эмаслиги.</p>	<p>жисмонан физиологик жиҳатдан тайёр эмасликлари; оилаларда озодалиқнинг ўта юқори даражада бўлганлиги; ёш келинларнинг талаба бўлиши ёки давлат корхоналарига ишлаётганлиги ва бунда уй рўзгор ишларига вақти кам эканлиги; баъзи келинларнинг келинлик ва оналик вазифаларини бажаришга жисмонан тайёр эмасликлари; оила аъзоларнинг соғлиги ёмонлиги, бетоб бўлгани сабабли уй ишларига жисмонан кучлари йўқлиги.</p>	<p>фақат бир фарзандини ёки келинини айбдор қилишга уриниши, бунда адолатпарварлик мезонларининг кўпол равишда бузилиши; оилавий муаммонинг шахсий ўзаро адоват даражасига ўсиб кетиши, шу боис ота-она ўртасида шахсий адоват асосига қурилган низонинг мавжудлиги; ота-оналарда фарзандларини ёки келинларини тан олмасликка, унинг маҳоратини ерга уришга интилишнинг мавжудлиги; зиддиятнинг бир оиладан, бошья оилага ёки маҳалаларга чиқиб, кучайб кетиши, унинг атрофида турли мутасадди бўлмаган одамларнинг уни ҳал қилишга уриниши; томонлар ўртасида шахсий хусусиятлар бўйича умуман бирлик, ҳамжиҳатлилиқнинг йўқлиги; томонлар муносабатларининг адоват, кураш, ўч олиш, ақлини киргазиб қўйиш, оппонентни эгиш, янчиш асосида ташкил қилинганлиги.</p>
--	--	---	---

Оилада низоларнинг диагностик ва коррекциянинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда юқорида қайд этилган соҳаларнинг ҳар бирига хос аниқ жараёнларни қўйиш мумкин.

Когнитив жараён:<sup>16</sup> 1) ўз хулқ-атвори, муносабати, реакцияси сабабини англаш; 2) ҳис-туйғу ва хулқ-атвор стереотипларни англаш; 3) психологик омиллар ва соматик бузилишлар орасидаги боғлиқликни англаш; 4) низолар ва руҳий жароҳатловчи вазиятларни келиб чиқишида ўзининг роли ва жавобгарлигини ҳис қилиши; 5) шахслараро муносабат усуллари, ўзининг муносабати шаклланиши шароитларини англаш.

Эмоционал жараён: 1) оила аъзоларни эмоционал қўллаб-қувватлаши; 2) оила аъзоларнинг ўз ҳис-туйғуларини англаши ва юзага чиқариши; 3) ўзига ва ўзгаларга нисбатан янада самимий муносабатни шакллантириш; 4) эмоционал муносабатлар усуллари ўзгартириш; 5) ижобий эмоцияни шакллантириш;

Ўзини назорат қила олиш, (хулқ-атвор)жараёнида: 1) оилада ноадекват реакцияларни коррекциялаш; 2) оила аъзоларнинг хулқ-атвордаги аффектив ҳолатларни коррекциялаш;<sup>17</sup>

“Коррекция” тушунчаси инсоннинг психик ҳолатини олдиндан маълум бўлган психик тараққиёт нормалари билан мувофиқлигини таъминлаш учун юқоридан мақсадга қаратилган ижтимоий психологик-педагогик таъсирни назарда тутати.

Тадқиқотда оилада ижтимоий низоларни коррекциясига доир модификация методик босқичлари ишлаб чиқилди. Ушбу методика низоларни дастлабки ҳолатини бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган бўлиб, оила аъзоларнинг ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини англашни ошириш, ўз устидан назоратни кучайтириш, оилавий муносабатларни яхшилаш, оилавий ҳаётда ижтимоий мослашувни таъминлайди.

**Модификация** — (от лат. modificatio) сўзидан олинган бўлиб, ўзгариш, яшаш тарзини ўзгариши, характер ўзгариши, чеклаш, мос ҳаёт тарзига қайтиш. Оилада соғлом ижтимоий муҳитнинг ташкил этишда модификация методи барча низоларни конструктив ҳал этишда хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг амалий-технологик тизими**» деб номланган учинчи бобида оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда миллий тарбияни татбиқ этиш технологияси, фарзанд ўртасидаги низоларнинг классификацияси, узлуксиз маънавий тарбия асосида оилада низоларни бартараф этиш профилактик режаси, оила ва таълим муасасаларида низоларни бартараф этишнинг маънавий-ахлоқий тарбия технологияси, оилаларда «Оммавий маданият» нинг таъсири, таҳлили ҳамда Ўзбекистонда COVID-19 коронавирус пандемияси даврида оиладаги муносабатларнинг салбий ва ижобий жиҳатлари, оиладаги ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик-психологик саводхонлик моделининг дидактик таъминоти ишлаб чиқилган.

---

<sup>17</sup> Ўсмирлик даврига хос агрессив хулқнинг психологик таҳлили. <https://slib.uz>



Шахсни шакллантириш, бошқариш, тарбиявий фаолият натижасида юксак маънавий ва ахлоқий ҳислатларга эга бўлган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тасодифий ҳаракатлар орқали эмас, балки, олдиндан белгиланган ва пухта ўйлаб тузилган тарбиявий мақсадлар асосида олиб борилади. Тарбиявий технологияда унинг мақсади, шакл ва методлари, шахснинг ўз-ўзини тарбийялаш ва қайта тарбиялаш жиҳатлари муҳим аҳамият касб этади. Шундай экан, ота-онанинг тарбиялаш мақсадларини тўғри белгилаши оилада низоларнинг келиб чиқиши уларни бартараф этишни йўлга қўя олишига нисбатан ғоявий ёндашув асосида белгиланиб, амалга оширилишида мавжуд шарт-шароитларни яратиш талаб этилади.

Ўзбек оилаларида фарзандларни турли низолардан муҳофаза қилишнинг миллий анъаналари мавжуд. Бироқ улар ҳар доим ҳам замонавий ҳаётнинг барча мураккаб қирраларини ўзида мужассам этмайди. Улар ҳар доим ҳам замонавий мураккаб ва шиддатли кечаётган ижтимоий ҳаётнинг барча талабларига тўлиқ жавоб бермайди. Шунга кўра, бугунги кунда фарзандларни низо(конфликтлар)ни олдини олишга ўргатиш оилавий тарбиянинг ўзига хос ўта долзарб масалаларидан бири саналади

Оилада ижтимоий низолардан бири фарзандлар ўртасидаги низоларни кўриб чиқамиз:

- ◆ фарзанд ва унинг ўз тенгдоши ўртасидаги низо;
- ◆ фарзанд ва унинг ўзидан катта ёшдаги бошқа болалар ўртасидаги низо;
- ◆ бола ва ундан кичик ёшдагилар ўртасидаги низо;
- ◆ бола ва унинг ўз ота-онаси ўртасидаги низо;
- ◆ бола ва бошқа болани ота-оналари билан бўладиган ўзаро низо ;
- ◆ бола ва таълим муассаси ва ташкилотлари (боғча, мактаб) мутасадди раҳбари ёки намоёндаси (мураббий, ўқитувчи, бошқа расмий ходимлар) ўртасида келиб чиқиши мумкин бўлган низо;
- ◆ боланинг ички эмоционал дунёси ва унинг яширин бўлган ҳис-туйғулари асосида вужудга келиши мумкин бўлган шахс ички низоси.

Юқорида санаб берилган классификациянинг ўзига хос томони шундаки, унинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятлар мавжуд бўлади. Мана шу хусусиятлар боланинг низоли вазиятда ўзини қандай тутиши, қандай қарорлар қабул қилиши, қайси йўлдан кетиши, низодан чиқиб кета олиши кабиларга бевосита ўз таъсири ўтказди.

Тадқиқотда фарзандларнинг келажакда низолардан муҳофаза қилиш учун тавсиялар билан бирга оилада низоларни бартараф этишда миллий тарбия технологиялари тавсифини ишлаб чиқдик (3-жадвал).

Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда миллий тарбия технологиясини самарали қўллаш ёшлар ҳаёти учун энг муҳим омиллардан бири. Илмий-педагогик, психологик, ҳамда фалсафий асарларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, оилада миллий тарбияга асосланиш шахс камолоти учун муҳим ҳисобланган хулқ-атвор, ирода, тавсиф ва дунёқараш шаклланади.

**Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда миллий тарбияни татбиқ этиш технологияси**

<b>Оилада тарбиянинг асосий мақсади</b>	Оилада ўғил қизларнинг ҳар томонлама маънавий, жисмонан соғлом, ривожланган ахлоқий баркамол комил инсони шакллантириш, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, келажакда низоли вазиятни конструктив ҳал қилиш, мустақкам мафкуравий иммунитет ҳосил қилишдан иборат.
<b>Оилада тарбиянинг вазифаси</b>	Оилада иқтисодий-хўжалик, репродуктив (наслнинг давом эттирилиши), тарбиянинг турларини самарали қўллаш, назорат этиш, оила аъзоларининг нуфузини (эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука опа-сингил, қону-қариндолар) ҳурматини, ор-номусини, шаънини ҳимоя этиш, оилада ўз вақтида дам олишни, бўш вақтни унумли ташкил этиш, ёш авлодни оила қуришга тайёрлаш, ёрдам бериш, руҳий-эмоционал қўллаб-қуватлаш, мулоқот (коммуникатив), муомала маданиятига риоя қилиш, диний билимларни ўргатиш, оилада ёши улуғ бобо-бувилар, ота-оналар ҳақида ғамхўрлик.
<b>Оилада тарбиянинг самарали методлари</b>	Тушунтириш, ҳикоя, намуна, суҳбат, ўз-ўзини тарбиялаш, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш, рағбатлантириш, жазолаш, таъқиқ.
<b>Оилада тарбиянинг турлари</b>	Ахлоқий тарбия: ахлоқ, одоб, хулқ, яхшилик, адолат, инсоф, диёнат, шарм, ибодат-ҳаё, оилапарварлик. Диний тарбия. Меҳнат тарбияси: кундалик ҳаётни фойдали ташкил қилиш, фаоллик, ишчанлик, тадбиркорлик, ишбилармонлик, ақлий иш, жисмоний меҳнат; Жисмоний тарбия: оилада соғлом турмуш тарзига амал қилиш, чиниқиш, соғлом тан. Эстетик тарбия: гўзаллик, кийиниш, тозаллик, юриш-туриш, саранжом-саришталик. Экологик тарбия: уй-жой атроф-муҳитини тоза тутиш, экологик қоидаларига риоя қилиш. Иқтисодий тарбия: тежамкорлик, бозор иқтисодиёти, сарф, исроф, фойда; Ҳуқуқий тарбия: тенглик, тўғрилиқ, ҳалоллик, бурч.
<b>Оилада компетенциявий ёндашув</b>	Оилада ўз-ўзини ривожлантириш компетенцияси, конфликтологик компетенция, миллий ва умуммаданий компетенция, ижтимоий компетенция, коммуникатив компетенция, ижтимоий-ахборот компетенцияси,

	когнитив компетенция, махсус компетенция, компаративистик қадриятларга доир компетенциялар, шахсий компетенциялар.
<b>Оилада миллий гендер тарбиясини ташкил этиш</b>	Ўғил ва қизларнинг тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш, уларнинг фикрларини ҳурмат қилиш, оилада миллий қадриятларга асосланган гендер тушунчасини татбиқ этиш, урф одатларни ҳурмат қилишга, миллий тарихий аجدодлар меросини ўрганиш, намуна келтириш, халқ оғзаки ижодидан фойдаланиш, миллий тарбияга компаративистик татбиқини интенсивлаштириш.
<b>Оилада тарбия жараёнининг интегратив хусусиятлари</b>	Оилада тарбиянинг мактабгача таълим муассасаси, мактаб, техникум, лицей, олий таълим муассасалари билан тарбияни интеграциялашувини таъминлаш ҳамда тарбиянинг яхлитлиги, тизимлилиги, даврийлиги, узлуксизлиги, аниқ мақсадга йўналтирилганлиги, педагог ва тарбиячиларнинг биргаликдаги фаолияти, оилада тарбияни таълим билан боғлиқлигини таъминлаш.
<b>Оилада тарбия жараёнининг мотив компонентлари</b>	тарбиявий таъсир ва кўникмаларнинг зарурлигини тушунтириш, шахсий масъулият ҳиссини яратиш, тарбиявий жараён вақтида шахсни қизиқишини уйғотиш ва сақлаб туриш, орттирилган тажрибалардан ҳаётда қандай фойдаланиш мумкинлигини тушунтириш, маъқуллаш, эътироф этиш, рағбатлантириш, соғлом рақобатни установа қилиш, тажрибалар асосида келажакда ёшларни оилавий ҳаётда қандай муваффақиятлар қозонишлари мумкинлиги ҳақида мулоқот қилишга имкон бериш, тинглаш имкониятини яратиш.

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 31 декабрдаги «Узлуксиз маънавий тарбия концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1059-сонли қарори таҳлили, оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва педагогик-психологик асосларини ўргатиш, ажралишларнинг олдини олиш, оилаларда узлуксиз маънавий тарбия хусусиятларини самарали ташкил этиш белгиланди.

Тадқиқот жараёнида узлуксиз маънавий тарбия концепцияси орқали «Оилада низоларни бартараф этишнинг профилактик режаси» ҳамда «Оилада ҳамда таълим муассасаларида ижтимоий низоларни олдини олиш бўйича ёшларга маънавий-ахлоқий фазилатларини ривожлантириш технологияси» татбиқ этилди.

М.О.Иномова оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашни муҳим педагогик муаммо сифатида ўрганар экан, мустақиллик шароитида оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда миллий қадриятлардан фойдаланиш масалалари, оила тарбиясида миллий тарбия тажрибалари, халқ педагогикасининг тарбиявий имкониятларини аниқлайди ҳамда оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг мақсад ва вазифалари, унинг ўзига хос хусусиятлари, мазмун-моҳияти, шакл ва методларининг бир бутун тизимини яратади.

Тадқиқотда ҳозирги вақтда оилаларда низоларни келиб чиқишида оила аъзоларини интернетга тобелик глобал муаммога айланиб келаётгани таҳлил қилинган.

Америкалик олим Иммануел Валлерстайн ва немис файласуфи Ханс Георг Гадамерларнинг «Биз тамомила бошқа дунёга кириб келдик, кейинги эллик йил инсоният учун «совуқ уруш» даврига нисбатан ҳам мушкул бўлиши кутилмоқда», «барчага баробар таҳдидларга биргалашиб барҳам бериш иштиёқи камайиб бормоқда» деган ташвишли фикрлари бугунги кун хусусиятини анчагина ойдинлаштиради. Агар дунёдаги ижтимоий тармоқлардан фойдаланувчиларнинг ўртача сонини ҳисобга олсак, аёлларга нисбатан эркаклар 8% кўпроқ бўлади. Бироқ бу кўрсаткич минтақалар кесимида фарқ қилади. Масалан, Европа, АҚШ ва Австралияда аёллар ижтимоий тармоқларга фаол иштирок этишади. Жаҳон ёшларнинг идеалларига айланган «Оммавий маданият»нинг кириб келиши, шахснинг ижтимоийлашувига имкон бермаслиги, жараёнларга лоқайдлик бефарқ авлодни шаклланишига олиб келмоқда. Бу эса ёш оилаларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистонда интернет фойдаланувчиларнинг тобора кўпайиши карантин билан боғлиқ. Пандемия даврида одамларнинг одатий турмуш тарзи ўзгарди, аксарият одамлар ижтимоий мулоқотни тўлиқ ёки қисман четлаш кузатилди, иқтисодий вазиятнинг беқарорлиги, одамларнинг хавотирланиш аҳволини кучайишига олиб келди. Тадқиқот давомида пандемия даврида оилалардаги муносабатларнинг салбий ҳамда ижобий жиҳатлари ўрганилди.

#### **Пандемия давомида оиладаги муҳитнинг салбий оқибатлари:**

◆ оиладаги низолар кўпайиб, кўпинча психологик ва жисмоний зўравонликлар сабаб бўлди;

◆ оилада ота-она, фарзандлар ўртасидаги низолар кучайди;

◆ маҳалаларда оилалар томонидан тўпланган шикоятларга дуч келинди;


◆ оилавий зўравонлик, ажралиш, эр–хотиннинг бир бирини тушунмасликлари сони купайди;

◆ моддий-иқтисодий етишмовчилик сабаби кўп оилаларда ижтимоий низоларга дуч келинди;

◆ ҳар кунлик иш тартибига ўрганган оилаларда пандемияда уйда ўтириш хуш кемади ва ҳар кун жанжал, можаролар бўлишига сабаб топилди;

◆ одамлар ота-онасини, ёру дўстларини, жамоасини кўришдан махрум бўлди ва аксарият инсонларнинг руҳиятига каттик стресслар, неврозлар таъсир қилди;

◆ кўпгина оилаларда пандемия давомида яқинларини йўқотиш ва бундан каттик стресс ҳолати кузатилди.



**4-расм. Турли мамлакатларда ижтимоий тармоқлар кунига қанча вақт фойдаланилиши**

**Пандемия давомида оиладаги муҳитнинг ижобий ўзгариши;**

◆ карантин пайтида оилавий муносабатлар мустаҳкамлиги таъминланди;

◆ инсон кадр-қимматини нечоғли муҳим эканлиги билинди;

◆ оилавий қариндошлар ўртасида меҳр-оқибат, бир-бирини кадрига етиш, мол-дунё йиғиш ўткинчи эканлиги яққол намоён бўлди;

◆ эр-хотин ўртасида коммуникация, бир-бирини тушуниш, тинглаш, бир-бирини хурмат қилиш каби фазилатлар таркиб топди;

◆ ота-онанинг фарзандларни тарбиялашга, бошқариш, назорат қилиш эътибори кучайди.

Карантин даврида оилавий муносабатлар бўйича сўров ўтказилди. 71% аҳоли карантин пайтида оилавий муносабатлар мустаҳкамланганлигини айтди; 27% аҳоли оилаларда зўравонликка олиб келадиган жанжаллар тез-тез учрашини; 61% кишилар отанинг болаларни тарбиялашга эътиборини


кучайтирганини; 33% халқ эр-хотин ўртасидаги тушунмовчилик ва низоларнинг кучайганлигини; 22% кишилар қайнона ва келин ўртасидаги келишмовчилик авж олгалигини, 44% оилавий муносабатларда ҳеч нарса ўзгармаганлигини билдирган.

Сўровнома шуни кўрсатадики, кўплаб оилалар учун (71%) пандемия пайтида карантин, барча оила аъзолари уйда қолишга мажбур бўлганда, уларнинг муносабатларига ижобий таъсир кўрсатди. Оталар оилада фарзанд тарбиясига, ўқишига кўпроқ эътибор беришди. Афсуски, оилавий зўравонлик ҳам мавжуд, бу 27 фоиз респондент таъкидлаганидек, кўпайган. Бу юқори кўрсаткич. Респондентлар, шунингдек, қайнона ва келин, эр ва хотин ўртасидаги зиддиятлар кўпайганлигини таъкидладилар.

Тадқиқот доирасида оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда педагогик-психологик саводхонлигини ривожлантиришнинг профилактик модели такомиллаштирилди (**5-расм**).

Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда педагогик-психологик саводхонлигини ривожлантиришнинг профилактик модели яхлит тизим сифатида ўзида тайёрлов, асосий ва якуний босқичларни қамраб олган бўлиб, мақсадга йўналтирилган, компетенциявий, фамилистик (лат. familia шахсининг оила ҳақида билим, қуниқма ва малакаларга эга бўлиш), кампаратавистик (от лат. comparativus таққослаш, қиёсий-тарихий) ёндашувларга устуворлик бериш асосида, шахсга йўналганлик, узвийлик ва узлуксизлик, инсонпарварлик, субъективлик, ҳамкорлик, медиаторлик тамойилларига, мазмунли психодиагностик, ташкилий-фаолият компоненти, аналитик-натижавий компонент, диагностик (ташхис методлари, анкета, тест, рефлексия, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини англашни ошириш; шахслараро муносабатларни яхшилаш; ижтимоий мослашув), методлар (рефлексив, мунозара, кейс-стади лойиҳавий тренинг, ижтимоий лойиҳа, қадриятга йўналтирилган рағбатлантириш, диалог, мажмуавий: маслаҳат, вазиятлар таҳлили баён этилган).

Мақсадга йўналтирилган компонентни амалга ошириш жараёнида оила аъзоларнинг конфликтологик компетентлиликни ривожлантиришнинг мақсад ва вазифаларни аниқлаштирилди. Оила аъзоларнинг конфликтологик компетентлигини ривожлантириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги вазифалар белгилаб олинди: оилада конфликтологик компетентлигини ривожланганлик даражасини аниқлаштириш; конфликтологик компетентлилик даражаси ва оилада таянч компетенциялари, шунингдек, коммуникатив қобилиятларини ривожлантириш; шахслараро самарали мулоқотга эҳтиёжи ва низоларни конструктив ҳал этишга интилиш; эр-хотиннинг эмоционал ўз-ўзини бошқариш қобилиятини ривожлантириш; низоларни самарали бошқариш қобилиятини ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш.



**5-расм. Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда педагогик-психологик саводхонлигини ривожлантиришнинг профилактик модели**

Мазмунли диагностик аппарат ўзида тест, сўров, анкета ва интервью методларини, психодиагностик методикалардан фойдаланилди. Тадқиқотда Л.Ф.Бурлачукнинг уч хил ёндашув асосидаги методикасига таянилган: объектив ёндашув – диагностика фаолиятни бажариш самарадорлигига қараб амалга ошириш, субъектив ёндашув – синалувчининг ўзи ҳақида берган маълумотлари, ўз-ўзини тавсифлаш ва баҳолаш асосида диагностика қилинади, проектив ёндашув – ташқи жихатдан нейтрал, ноаниқ стимул билан ўзаро таъсирни таҳлил қилиш асосида диагностика қилинди.

Методологик компонент мазмунида оилада конфликтологик компетентлигини ривожлантириш методлари: ижтимоий-психологик ва ижтимоий-педагогик тренинглари; оилада таянч маънавий компетенцияларни ривожлантириш тамойиллари оилада миллий ва умуммаданий компетенция, ижтимоий, коммуникатив, ижтимоий-ахборот, когнитив, махсус компетенциялар, компаративистик кадриятларга доир компетенциялар, шахсий компетенция, коммуникатив маданият, эмоционал интеллект, толерантлик, эмпатия, низоларга барқарор муносабат, низоли вазиятда конструктив стратегияларни танлаш қабилар ўз ифодасини топди.

Аналитик амалий компонентни акс эттирувчи «Оилавий ижтимоий низолар: диагностикаси ва коррекцияси» мавзусида ижтимоий-педагогик иш дастури ишлаб чиқилди. Дастурнинг асосий мақсади оилада ижтимоий низоларни бартараф этиш ва олдини олишнинг педагогик-психологик шарт-шароитларини ўрганиш, ижтимоий низоларни бартараф этиш бўйича халқаро педагогик-психологик тажрибаларни ўрганиб, ҳаётда татбиқ этиш, халқаро тажриба асосида низоларни ечимга олиб келишнинг яхлит педагогик-психологик концепциясини ишлаб чиқиш, оилавий низоларнинг хусусиятлари, келиб чиқиш сабаблари, ечимга олиб келиш восита, усул ва йўллари тизимли ўрганиш, маҳалаларда низоларни бартараф этиш бўйича таклиф ҳамда илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Якуний босқичда ишлаб чиқилган моделнинг самарадорлигини баҳолаш имконини берувчи оила, маҳаллаларда оилада низоларни бартараф этишнинг педагогик-психологик саводхонлик ривожланганлик даражаси (юқори, ўрта, қуйи)ни ташхис этиш ва баҳолаш амалга оширилди. Профилактик моделни татбиқ этиш натижасида оилаларда таянч маънавий конфликтологик компетентлиги ривожланишига эришиш кўзда тутилди.

Диссертациянинг **«Оилада ижтимоий низоларнинг бартараф этишнинг самарадорлиги»** деб номланган тўртинчи бобида оилада ижтимоий низоларни бартараф этишга доир тажриба-синов ишлари мазмуни ва математик-статистик таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишлари Навоий вилояти Кармана тумани Зиёкор маҳалласи, Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани, Янги-обод маҳалласи, Бухоро вилояти, Бухоро шаҳар, Хавзи-Нав маҳалласи, Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри, Наврўз маҳалласи, Хоразм вилояти Шовот тумани Шовот маҳалалардаги оилалардан жами 603 нафар оила аъзолари респондент сифатида иштирок этди. Тажриба-синов ишлари 2019-2021 йилларда вилоятлар қошидаги «Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш» бошқармаси,



«Оилавий низоларни мустаҳкамлаш комиссияси» билан ҳамда улар таркибидаги маҳаллаларда махсус курслар ташкил этилди.(4.2.1-жадвалга қаранг)

4.2.1-жадвал.

№	Вилоят, туман	Маҳалланоми	Тажриба гуруҳи					Назорат гуруҳи					Умумий жами
			Қайноналар	Келинлар	Ажрашганлар	Эркаклар	Жами	Қайноналар	Келинлар	Ажрашганлар	Эркаклар	Жами	
1	Навойй вилояти Қармана тумани	Зиёкор маҳалласи	17	15	14	13	<b>59</b>	17	14	13	15	<b>59</b>	118
2	Хоразм вилояти	Шовут маҳалласи	19	15	12	15	<b>61</b>	14	18	15	13	<b>60</b>	121
3	Бухоро вилояти	Хавзи нав маҳалласи	16	16	13	17	<b>62</b>	15	17	16	15	<b>63</b>	125
4	Жиззах шаҳри	Наврўз маҳалласи	17	14	18	16	<b>65</b>	14	16	15	16	<b>61</b>	126
5	Самарқанд шаҳри	Янги обод маҳалласи	15	14	12	15	<b>56</b>	15	15	13	14	<b>57</b>	113
<b>ЖАМИ:</b>			<b>84</b>	<b>74</b>	<b>69</b>	<b>76</b>	<b>303</b>	<b>75</b>	<b>80</b>	<b>72</b>	<b>73</b>	<b>300</b>	<b>603</b>


Оилаларда ижтимоий низоларни бартараф этиш, эр-хотин, қайнона-келин, ота-она ва фарзандлар ўртасида низолар келиб чиқиш даражаларини аниқлаш учун тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди ва танланган оилаларда тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Оилаларда ижтимоий низоларни бартараф этиш, эр-хотин, қайнона-келин, ота-она ва фарзандлар ўртасида низолар келиб чиқиш даражаларини аниқлаш учун тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди ва танланган

оилаларда тажриба-синов ишлари олиб борилди. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларидан олинган маълумотлар асосида статистик таҳлил ишлари Хи-квадрат ( $\chi^2$ ) мезони асосида олиб борилди. Тадқиқот гипотезаси сифатида назорат гуруҳида олиб борилган ишлар оилалардаги низоларни бартараф этиш юзасидан келтирилган таклиф ва тавсиялардан тажриба гуруҳида олиб борилган махсус тажриба асосида олинган натижалар билан таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилди.

Оилаларда ижтимоий низоларни бартараф этиш, эр-хотин, қайнона-келин, ота-она ва фарзандлар ўртасида низолар келиб чиқиш даражаларини аниқлаш учун тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди ва танланган оилаларда тажриба-синов ишлари олиб борилди.

Оилаларда ижтимоий низоларни бартараф этиш, эр-хотин, қайнона-келин, ота-она ва фарзандлар ўртасида низолар келиб чиқиш даражаларини аниқлаш учун тажриба ва назорат гуруҳларига бўлинди ва танланган оилаларда тажриба-синов ишлари олиб борилди. Амалга оширилган тажриба-синов ишлари натижаларидан олинган маълумотлар асосида статистик таҳлил ишлари Хи-квадрат ( $\chi^2$ ) мезони асосида олиб борилди. Тадқиқот гипотезаси сифатида назорат гуруҳида олиб борилган ишлар оилалардаги низоларни бартараф этиш юзасидан келтирилган таклиф ва тавсиялардан тажриба гуруҳида олиб борилган махсус тажриба асосида олинган натижалар билан таққосланиб, тажриба гуруҳларидаги натижаларнинг самарали эканлиги кўрсатилди.



**6-расм. Барча вилоятлар бўйича семинар тренинг ва махсус курсларнинг самарадорлик кўрсаткичлари диаграммаси**

Барча маҳаллалардаги оилалар билан ўтказилган махсус курсларда ташкил этилган самарадорликка эга бўлиб улар ўртача 1,15 баробардан 1,19 баробаргача юқори эканлиги исботланди. Қўйилган статистик мезон қийматларига кўра барча статистик қийматлар критик қиймат (5.99) дан катта бўлгани учун  $H_1$  гипотеза қабул қилинди.

Тажриба-синов натижаларидан хулоса қилиб, ўтказилган эмпирик тадқиқотлар оилалардаги ижтимоий низоларни бартараф этиш бўйича олиб борилган оилалардаги ижтимоий тасаввурлари тизимида кўплаб ҳаётий қадриятлар қатори, оилаларда юзага келадиган ижтимоий низоларнинг олдини олиш ва бартараф этиш масалаларининг шаклланишини кўрсатади. Ушбу тасаввурлар оилаларнинг ижтимоий келиб чиқиши ва ҳудудий жиҳатдан фарқланиши борлигини аниқлаш мақсадида қилинган тахминларнинг асосли эканлиги тадқиқот натижаларида ўз ифодасини топди. Бу тафовутлар нафақат шахснинг ҳаётий қадриятлари ва умумий йўналишлари характери билан, балки ўша шахс тарбияланаётган оиладаги маънавий-психологик иқлим, эр ва хотиннинг ўзаро ҳамда болалар тарбиясига муносабати таъсирдан келиб чиқади.

Олинган натижалардан оилалардаги ижтимоий низолар ва уларни келиб чиқиш сабаблари, бартараф этиш самарадорлигини баҳолаш мезони бирдан катталиги ва билиш даражасини баҳолаш мезони нолдан катталигини кўриш мумкин. Бундан маълумки, тажриба гуруҳидаги оилаларнинг ўзлаштириши назорат гуруҳидаги оилаларнинг ўзлаштиришидан юқори экан. Тадқиқот натижалари оилалардаги ижтимоий низолар, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар, оилалардаги ажралишларнинг туб сабабларини аниқлаш бўйича ўтказилган махсус курслар ўтказилган мастер-класслар орқали ўтказилган тажриба-синов ишлари самарадор эканлигини тасдиқлайди.

## ХУЛОСА

«Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш», бўйича олиб борилган илмий-педагогик тадқиқот натижалари таҳлили ва яқунларига асосланган ҳолда қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Оилада ижтимоий низоларни бартараф этиш жамият учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, оилада соғлом муҳитни ташкил этиш, ёш оилаларда низоларни олдини олиш бўйича билим, куникма ва малакалар билан қуроллантиришга устуворлик берилди. Оилада низоларни бартараф этишда назарий, методологик технологик, акмеологик ёндашувлар асосида шакллантирилди.

2. Олиб борилган тадқиқотлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, оилада турли хил низоларни бартараф этиш учун шахснинг педагогик-психологик саводхонлиги муҳим эканлиги, оилада компетенцияларнинг ўрни, компетенциявий ёндашув асосида оилада ижтимоий муносабатларни

барқарорлигини таъминлашнинг асосий мезонлари, оилада ижтимоий низоларни бартараф этиш учун педагогик технология ишлаб чиқилди.

3. Низоли вазиятда ҳар бир оила аъзоларнинг шахсий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишини, оиладаги тарбиянинг психологик нуқсонларини, уларнинг қобилият, қизиқиш ва лаёқатларини, оилалардаги мавжуд камчилик ва бузилишларни олдини олиш бўйича педагогик-психологик диагностик ва коррекцион методикаларни қўллаш муҳим аҳамиятга эга.

4. Тадқиқотда оилада ижтимоий низоларни коррекциясига доир модификация методик босқичлари ишлаб чиқилди. Ушбу методика низоларни дастлабки ҳолатини бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган бўлиб, оила аъзоларнинг ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини англашни ошириш, ўз-устидан назоратни кучайтириш, оилавий муносабатларни яхшилаш, оилавий ҳаётда ижтимоий мослашувни таъминлайди.

5. Тадқиқотда оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда миллий тарбияни татбиқ этиш технологияси ишлаб чиқилди. Ёшларни келажакда низолардан муҳофаза қилиш қонуниятлари, билан бирга оилада тарбиянинг мақсадларини тўғри белгилаш оилада иқтисодий-хўжалик, репродуктив, назорат, таъқиқ оила аъзоларининг нуфузини (эр-хотин, қайнона-келин, ака-ука, опа-сингил, қариндошлар) ҳурматини, ор-номусини, шаънини ҳимоя этиш, оилада ўз вақтида дам олишни, бўш вақтни унумли ташкил этиш, ёш авлодни оила қуришга тайёрлаш, рухий-эмоционал қўллаб қуватлаш, коммуникатив маданият риоя қилиш, диний билимларни ўргатиш, оилада ёши улуг боболар-бувиларни, ота-оналар ҳақида ғамхўрлик қилиш куникмаларини ҳосил қилиш талаб этилади.

6. Тадқиқот доирасида ишлаб чиқилган оилада ижтимоий низоларни бартараф этишда педагогик-психологик саводхонлигини ривожлантиришнинг профилактик модели яхлит тизим сифатида ўзида тайёрлов, асосий ва якуний босқичларни қамраб олган бўлиб, мақсадга йўналтирилган, компетенциявий, фамилистик (лат. familia шахснинг оила ҳақида билим, куникма ва малакаларга эга бўлиш), кампаратавистик (от лат. comparativus таққослаш, қиёсий-тарихий) ёндашувларга устуворлик бериш асосида, шахсга йўналганлик, узвийлик ва узлуксизлик, инсонпарварлик, субъективлик, ҳамкорлик, медиаторлик тамойилларига, мазмунли психодиагностик, ташкилий-фаолият компоненти, аналитик-натижавий компонент, диагностик (ташхис методларианкета, тест, рефлексия, ўз-ўзини таҳлил қилиш, ўз-ўзини баҳолаш ва ўзини англашни ошириш; шахслараро муносабатларни яхшилаш; ижтимоий мослашув), методлар (рефлексив, драматизация, эссе, мунозара, кейс-стадилоийхавий тренинг, ижтимоий лойиҳа, кадриятга йўналтирилган рағбатлантириш, диалог, мажмуавий: маслаҳат, вазиятлар таҳлили очиб берилди.

7. Оила, маҳалла таълим ташкилотлари интеграцияси асосида оилада ижтимоий низоларни бартараф этиш учун «Обод маҳалла – хавфсиз маҳалла» дастурини амалга ошириш мақсадида «Ибратли оила», «Оилада фарзанд тарбиясига эътибор», «Менинг оилам», «Ифбатли келин», «Намунали оила»,

«Намунали қайнона», «Намунали келин» каби маънавий тарбиявий тадбирлар ташкил этилди.

8. Узлуксиз маънавий тарбия Концепция асосида «Оилаларда узлуксиз маънавий тарбияни амалга ошириш»га қаратилган илмий тадқиқот тадбирлари, ҳомиладор аёллар, ёш оналар, қайноналар ўртасида ижтимоий-педагогик, психологик туркум суҳбатлар, учрашувлар, эрта турмуш қуриш, оилавий ажралишлар каби салбий ҳолатларнинг олдини олишда катта авлод тажрибасидан фойдаланиш, оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг профилактик режаси, «Ижтимоий-таълимий лифт» ва «Ижтимоий алоқалар тармоғи» технологиялари тузилди ва амалиётга татбиқ этилди.

9. Диссертация иши натижасида «Педагогик конфликтология» номли дарслик нашр этирилган, мазкур дарсликнинг IV боби айнан оилада низоларни бартараф этишга бағишланган; «Оилада ижтимоий низоларни олдини олишнинг маънавий-ахлоқий асослари» номли монография нашр этирилган; Маҳала ва оилани қўллаб қувватлаш бошқармаси билан ҳамкорликда оилада ижтимоий низоларни бартараф этишга доир «Оилавий ижтимоий низолар: диагностикаси ва коррекцияси» мавзусида «Ижтимоий-педагогик иш» дастури ишлаб чиқилган ҳамда оилалар фаолиятида самарали қўлланилган.

«Оилада ижтимоий низоларни бартараф этишнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш» фан доктори диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар асосида қўйидаги илмий-педагогик методик тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Оилада ижтимоий низолар жамият тараққиётида салбий таъсирни ўтказди, шу сабабли низолар ҳақида билим, қуниқма ва малакалар билан ҳар бир фуқарони қуроллантиришимиз лозим. Бунинг учун «Педагогик конфликтология» ёки «Конфликтология» фанини ҳар бир таълим йуналишида қўллаш муҳим аҳамиятга эга.;

2. Маҳаллаларда «Оилаларни мустаҳкамлаш комиссияси» талабга жавоб бермайди, махсус тизимни ривожлантириш учун маъсул шахсларни тартибга солиш ва назорат қилиш, моддий-маънавий рағбатлантириш ёш оилалар билан ишлаш учун махсус тайёргарлиги бор тажрибали шахсларни жалб этиш такомиллаштириш зарур;

3. Оилада низони келиб чиқишида, оиладаги номутаносиблик, ажримларнинг ортиб боришининг негизида «Тарбия» тургани тадқиқот давомида яна бир бор ўз тасдиқини топди. Ҳар бир ота-она ўз фарзандига оилада ахлоқлиликни, одоб, инсонпарварликни, толерантликни, сабр-тоқатлиликни, камтарликни, меҳнатсеварликни, ижтимоий-ғоявий, ахлоқий, эстетик, экологик, иқтисодий ва гигиеник тушунчаларнинг етарли даражада бериши, ўзгаларни ҳурмат қилиш, уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини камситмаслик, мурувватли, раҳмдил бўлишни низоли ҳолатни ўзгартириш орқали вазиятдан чиқиш йўллари кўпроқ биргаликда излашни ўргатиши лозим.

4. Оиладаги маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш мақсадида ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, оиладаги низоли ҳолатларни ҳал этишнинг ҳуқуқий ва педагогик-психологик асосларини ўргатиш,

ажралишларнинг олдини олишда «Ота-она фарзандини вояга еттунига қадар боқиш ва тарбиялаш учун жавобгар» принципига асосланиши лозим.

**РАЗОВЫЙ НАУЧНЫЙ СОВЕТ, СОЗДАННЫЙ НА ОСНОВЕ  
НАУЧНОГО СОВЕТА PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ  
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

---

**НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**НАРЗИКУЛОВА ДИЛНОЗА ХАШИМЖОНОВНА**

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ  
РАЗРЕШЕНИЯ СОЦИАЛЬНЫХ КОНФЛИКТОВ В СЕМЬЕ**

**13.00.01 – Теория педагогики. История педагогических учений.**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА НАУКА (DSc)  
ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан № В2020.2.DSc/Ped138

Докторская диссертация выполнена в Навоийском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации размещён на трех языках (узбекский, русский и английский (резюме)) и на веб-странице Научного совета [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz) и на информационном портале Ziyonet [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz).

**Научный руководитель:** Ибраимов Холбай Ибраимович  
доктор педагогических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** Нарбаева Танзила Камаловна  
доктор социологических наук

Исмаилова Зухра Карабаевна  
доктор педагогических наук, профессор

Эгамбердиева Нодира Мелибаевна  
доктор педагогических наук, профессор


**Ведущая организация:** Бухарский государственный университет


Защита диссертации состоится 4 февраля 2022 года в 10:00 на заседании Разового Научного совета, созданного на основе Научного совета PhD.03/30.01.2020.Ped.02.06 при Самаркандском государственном университете по адресу: 140104, город Самарканд, Университетский сквер дом 15. Телефон: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-13-87, e-mail: kengash-pf@samdu.uz.)


С докторской диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном Центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована за № 13). Адрес: 140104, Самарканд, Университетский сквер, дом 15. Телефон: (0366) 239-11-51;

Автореферат диссертации разослан 26 января 2022 г.  
(Реестр протокола рассылки № 5 от 26.01 2022 года).



  
М.М.Махмудова  
заместитель председатель Научного  
совета по присуждению ученых  
степеней, д.п.н., профессор

  
Ш.Р.Ураков  
Секретарь Научного совета  
по присуждению ученых степеней,  
д.ф.п.н.(PhD)

  
Н.Шодиев  
Председатель научного семинара  
при Научном совете по присуждению  
ученых степеней, д.п.н., профессор



## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мировой педагогике постоянное внимание уделяется исследованию взаимосвязи человека и его различных отношений с обществом, влиянию различных материальных, духовных, психологических, социальных, экологических, идеологических конфликтов на отношения с семьей. В условиях бурного развития современного поликультурного общества, чрезмерного увеличения научно-технических, финансовых воздействий важное значение имеет изучение влияния техногенного прогресса на семейные отношения, разработка профилактики действий, направленных на правовые и практические отношения дипломатического разрешения социальных конфликтов, происходящих в повседневной жизни людей, обоснование новых концепций по разрешению социальных конфликтов в семье, их разрешению, созданию здоровой атмосферы в семье, обеспечению гендерного равенства.

В мировой педагогике ведутся исследования по изучению разрешения семейных конфликтов, развитию области конфликтологии. В частности, подготовка молодежи к семейной жизни, выявление причин возникновения семейных разводов, различных конфликтных ситуаций, нездоровой обстановки в семье и ее негативного влияния на психическое состояние ребенка, депрессивных состояний, беспомощности, склонности к преступлениям; проверка связи здоровой среды в семье с профилактикой социальных конфликтов; особое внимание уделяется разработке научно-обоснованных концепций совершенствования инновационных технологий организации непрерывного духовного воспитания в семьях.

В условиях осуществляемых в нашей стране интенсивных реформ большое внимание уделяется исследованиям в направлении укрепления семьи, являющейся важным звеном общества, установления отношений, позволяющих удовлетворить интересы ее членов, создания условий, обеспечивающих достойную жизнь и свободное развитие каждого из них. «Семья-это малая родина, когда семья мирная, счастливая, когда Родина мирная» . Исходя из этого, поддержка семьи, опора в ее создании на многовековые национальные традиции, ценности; возникает необходимость дальнейшего углубления научных исследований, направленных на новый подход к вопросам семейных отношений и воспитания, на создание основ устойчивой семьи, на разработку методов воспитания подрастающего поколения с высокой духовностью..

Данное диссертационное исследование в значительной степени служит реализации задач, определенных в указах Президента Республики Узбекистан, Семейном кодексе Республики Узбекистан № 608-I от 30 апреля 1998 г., УП-5938 Президента Республики Узбекистан от 19 февраля 2020 года «О мерах по улучшению социально-духовной среды в обществе, дальнейшей поддержке института махалли и выводу системы работы с семьей и женщинами на новый уровень». № УП-5325 от 2 февраля 2018 г. «О мерах по

кардинальному совершенствованию деятельности в сфере поддержки женщин и укрепления института семьи», постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 19 февраля 2021 года № 23 «Об утверждении Концепции развития государственной молодежной политики в Узбекистане до 2025 года», постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 11 сентября 2019 года № 760 «О мерах по улучшению жилищных условий молодых семей, активно участвующих в общественной жизни страны», постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 31 декабря 2019 года № 1059 «Об утверждении Концепции непрерывного духовного образования и мер по ее реализации», постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан от 16 апреля 2020 года № 228 «Об утверждении положений в сфере регулирования Министерства махалли и поддержки семьи Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых актах, касающихся данной деятельности.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Пути формирования системы инновационных идей и их реализации в социальном, правовом, экономическом, культурном, духовно-просветительском развитии информационного общества и демократического государства».

